

А Ж Р И М

2023 йил ноябрь ойининг 06 куни жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди Бухоро шаҳар ИИО ФМБ 4-сон ИИБ биносида сайёр суд мажлисида раислик қилувчи М.Бобоев, судья ёрдамчиси А.Рузиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Шамсиев, гумон қилинувчи Ш.Эргашев, жабрланувчининг қонуний вакили Э.Эргашовнинг иштирокида, гумон қилинувчи Эргашев Шухрат Исмоиловичга оид 1-2001-2305/674-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Эргашев Шухрат Исмоилович (Ergashev Shuxrat Ismoilovich) - 1968 йил 3 апрель куни Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Бухоро шаҳар Коинот кўчаси 32-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинган.

Суд гумон қилинувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Эргашев Шухрат Исмоилович, 2022 йил 5 декабрь куни тахминан соат 14:30ларда фуқаро Эргашев Шухрат Исмоилович ўз бошқарувида бўлган “Кобалт” русумли 80T029QA давлат белгили автомашинани Бухоро шаҳар И.Каримов кўчаси ҳудудидан ўтувчи автомобил йўли бўйлаб “Юридик коллежи” томонидан “Болалар касалхонаси” томон бошқариб бораётиб, 4-сонли ўрта мактаб тўғрисида жойлашган тартибга солинмаган пиёдалар йўлагига етганида, Йўл ҳаракати қоидаларининг 3-бандидаги, йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини, ушбу қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлигига,

11-бандининг “г” кичик бандидаги, транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга



нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши мажбурлигига, 77-бандидаги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклигига, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклигига, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклигига амал қилмасдан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиб, пиёдалар йўлагига бўйлаб, ҳаракат йўналиши бўйича ўнг томонидан чап томонга қараб йўлни кесиб ўтаётган вояга етмаган Абдувоҳидова Мадина Илхомжон қизини автомашинасининг олд қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилганлиги натижасида вояга етмаган Абдувоҳидова Мадина Илхомжон қизи ўртача оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Эргашев Шухрат Исмоилович, ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2022 йил 5 декабрь куни тахминан соат 14:30ларда фуқаро Эргашев Шухрат Исмоилович ўз бошқарувида бўлган “Кобалт” русумли 80T029QA давлат белгили автомашинани Бухоро шаҳар И.Каримов кўчаси ҳудудидан ўтувчи автомобил йўли бўйлаб “Юридик коллежи” томонидан “Болалар касалхонаси” томон бошқариб бораётиб, 4-сонли ўрта мактаб тўғрисида жойлашган тартибга солинмаган пиёдалар йўлагига етганида, пиёдалар йўлагига бўйлаб, ҳаракат йўналиши бўйича ўнг томонидан чап томонга қараб йўлни кесиб ўтаётган кейинчалик исмини билган вояга етмаган Абдувоҳидова Мадина Илхомжон қизини автомашинасининг олд қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилганлигини, дарҳол вояга етмаган Абдувоҳидова Мадина Илхомжон қизини шифохонага олиб борганлигини, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан жабрланувчи ва унинг қонуний вакилининг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчининг қонуний вакили Мастонов Илҳомжон Абдувоҳидович, Абдувоҳидова Мадина фарзанди эканлигини, йўл транспорт ҳодисаси натижасида фарзанди ўрта оғир тан жароҳати олганлигини, ҳозирги вақтда



фарзандининг соғлиги яхши эканлигини, етказилган моддий зарар қоплаганлигини, ҳозирги кунда Ш.Эргашевга нисбатан даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ихтиёрий равишда ярашганлигини, уларга ҳеч қандай тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув ихтиёрий бўлганлигини инobatга олиб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди ва судга бу ҳақдаги аризасини тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ,
ЖК

266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинoий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, иш ҳужжатларидаги жабрланувчининг қонуний вакили ва гумон қилинувчининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг, гумон қилинувчи Эргашев Шухрат Исмоиловичга оид жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи Ш.Эргашевнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ярашувга тушишини инobatга олиб, Эргашев Шухрат Исмоиловичга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчининг қонуний вакили Мاستонов Илҳомжон Абдувоҳидовичга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан Эргашев Шухрат Исмоиловичга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма кунлик муддатда мазкур суд орқали Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ажрим апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга киргандан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
М.Бобоев

Маъсул судья: Бобоев Малик Муротович

